

ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ҲАЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ДЕМОКРАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Кожагелдиев А.У.
сиёсий фанлар доктори.

Бердоқ номидаги Қорақалпоқ давлат университети.

Узакбаев Ю.А.

**Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгаши Аппаратининг
қабулхона котиби**

Аннотация: Жаҳондаги сиёсий жараёнлар ривож иқтисодий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ. Модернизациялашнинг кўпдан-кўп концепциялари ва назарияларининг пайдо бўлиши турли ижтимоий-маданий асосга эга бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жараёнларининг объектив инъикосига айланди. Анъанавий жамиятдан замонавий демократик жамиятга ўтиш барча давлатлар учун уларнинг ижтимоий-маданий асосидан қатъий назар, ривожланишнинг умумий қонуний тадрижий йўлидир.

Калит сўзлар: Сиёсий тизим, модернизация, демократик жамият, иккиламчи модернизация, сиёсий институтлар, пост – индустриал ахборот жамияти, сиёсий модернизация, миллий-анъанавий жамият, эндоген, экзоген.

Modernization of socio-political life and democratic features of critical analysis

Kojageldiev A.U.

doctor of political sciences.

Karakalpak State University named after Berdakh.

Uzakbaev YU.A.

**Receptionist of the Office of the Supreme Council of the Republic of
Karakalpakstan**

Annotation: The development of political processes in the world is closely linked with economic development. The emergence of many concepts and theories of modernization is diverse socio-economic development of states with socio-cultural basis became an objective reflection of the processes. From a traditional society to a

modern democracy transition to society for all states, regardless of their socio-cultural background, is a common legitimate evolutionary path of development.

Keywords: Political system, modernization, democratic society, secondary modernization, political institutions, post-industrial information society, political modernization, national-traditional society, endogenous, exogenous.

Жаҳонда жамиятни модернизациялашга доир етакчи мамлакатлар тарақиётининг замонавий моделлари мавжуд. Хусусан “Америка модели” ҳар жабҳада тадбиркорлик тизимини кенгайтириш аҳоли фаол қисмини бойишига хизмат қилади ва аҳолининг индивидуализмга ишлаб чиқаришнинг юқори самардорлигига таянади.

Япон модели аҳоли турмуш тарзининг меҳнат унумдорлиги даражасидан орқада қолиш билан ажралиб туради. Шунинг ҳисобига маҳсулот таннархи пасаяди ва жаҳон бозорида таннарх оширишга эришилади. Бу модель миллий онг юқори даражада шаклланган ва мамлакат манфаатлари шахсий манфаатдан устунлигига таяниб ишлайди.

Швед модели мулкӣ тенгликни камайитириш давлат даромади маълум қисмини аҳолининг яхши таъминланган фойдасига ўтказиш асосида шаклланган кучли ижтимоӣ сиёсат юритади. Ушбу моделнинг илдизида иқтисодӣ ва сиёсий ҳаётни ҳамкорликда қуриш орқали жамиятни жадал ривожлантириш ётади.

Илмий таҳлилларга кўра “америка моделида” эркин бозор муносабатлари етакчилик қилса, “япон ва француз моделида” хўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлат иштироки юқори, Немис ва Швед моделида ижтимоӣ йўналиш, “Польша моделида” “фалаж терапия” (шок холати) орқали бозор иқтисодиётига ўтиш устунлик қилади. Аммо Ғарбда жамиятни модернизациялашга доир, концепция ва моделларни тарғиб қилиш ҳамон тўхтамаган.

Глобаллашув, давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ўзаро боғлиқликнинг кучайиши, уларнинг иқтисодиётидаги интеграция, ижтимоӣ

ҳаёт барча соҳаларининг байналмилаллашуви замонамизнинг энг хусусиятли жиҳатларидан биридир. Айнан мана шу омил миллий-анъанавий жамиятлардаги ўзгариш жараёнлари ва уларнинг сиёсий институтлари модернизацияси асосида турибди.

Сиёсий тизим ва институтларнинг ривожланиши иқтисодий, ижтимоий, этник ва маданий омилларга боғлиқ эканлиги XX–XXI асрлар ихтироси эмас, у Платон, Аристотель, Макиавелли ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида учрайди. Давлатнинг ижтимоий ўзгаришларга бой хусусиятини Платон ва Аристотел таъкидлаб ўтганидек, “давлатнинг ҳар бир шаклига фуқаро тушунчасига ўз таърифини бериш, кишиларнинг у ёки бу гуруҳига фуқаролик ҳуқуқлари мажмуини тақдим этишда ўз асосларига эга бўлиш мос тушади. Фуқаро ва бинобарин, давлат меъёрлари тушунчаларининг ўзгариши билан бирга давлатнинг ўзи ҳам ўзгаради”¹, деб ҳисоблаганлар. Ахир фуқаролик ҳуқуқлари – бу инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётдаги ўрнини ифода этади ва уларнинг моҳиятини акс эттиради.

Ҳозирги маърифий дунёда қарор топган ахлоқий-маданий қадриятларни умумбашарий инсоний меъёрларини халқимизнинг миллий маданияти ва маънавияти категориялари билан оқилона уйғунлаштириши бугунги демократик тамойилларининг асл мағзини ташкил этади. Умумбашарий маърифий тарақиётнинг ва жаҳон маданиятининг умумэътироф этилган принципларидан бири – гуманизм, яъни инсонпарварликдир. Шунинг учун ҳам бутун дунё маданиятининг негизи устувор қадриятини инсон ташкил этади. Жамиятни модернизациялаш эса инсонларни умуминсоний қадриятлар томон бошлайди.

Шу нуқтаи назардан фикр юритганда жамият ва унинг сиёсий институтлари модернизациясининг дастлабки назариялари, илмий асосланган тамойиллари ўтган XX асрнинг ўрталарида пайдо бўлди. Кейинчалик “сиёсий модернизация назарияси” ёки “сиёсий ривожланиш назарияси” деб ном олган мазкур назарияларда анъанавий сиёсий тизимларнинг замонавий шаклга

¹ История политических и правовых учений. Учебник. –М.: Изд. НОРМА-ИНФРА. М.: 1999. -С. 60.

Ўтишидаги муайян тарихий жараён кўриб чиқилади, модернизацияга олиб келадиган жамият, унинг сиёсий институтлари бўйсунмишга мажбур бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) механизмлари очиқ берилди. Таъкидлаш лозимки, бу назарияларда кўпинча замонавий ва анъанавий жамиятлар, демократик ва нодемократик сиёсий институтлар чекланади ёки бир-бирига қарама-қарши қўйилади.

70-80-йилларда модернизация назарияси инсон жамияти ва тамаддунининг ривожини умумий моделини асослашга айланиб кетдики, бунинг моҳияти анъанавий жамиятдан рационал-техник замонавий жамиятга ўтишни ўрганишдир. Ўша даврда Г.Алмонд, А.Пауэлл, Д.Антер, С.Верба, Л.Пай, С.Эйзенштад, С.Хантингтонларнинг ишлари пайдо бўлдики, уларда модернизациянинг икки назарияси ўз ифодасини топган эди: 1) ўзига хос модернизация ва 2) иккиламчи модернизация. Ўзига хос модернизацияга АҚШ ва Ғарбий Европада иккинчи жаҳон урушидан кейин узок; давом этган ички ривожланиш натижаси сифатидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга тегишлидир. Иккиламчи модернизация ўз ривожини орқада қолган, илғор мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тажрибасидан фойдаланиш ҳисобига янада жадалроқ усул билан уларни қувиб етишга уринаётган мамлакатлар учун хосдир. Модернизацияни ўзгалар тажрибасини ўзлаштириш жараёни сифатида ўрганиш етарли бўлмай қолиб, замонавийлашаётган жамиятлар ва уларнинг тизимларидаги ички хусусиятларни ҳисобга олиш зарур эди. Шунинг учун сўнгги йилларда қатор назарий-таҳлилий ишлар пайдо бўлдики, уларда тадқиқотчилар: 1) модернизация объектларини ўрганиш географиясини кенгайтирдилар; 2) объектив келиб чиқиш муаммолари, сиёсий ўзгаришлар бўҳронлари, уларни бартараф этиш йўллари ва шаклларини ўрганишга ургу бера бошладилар; 3) сиёсий жараёнлар уларнинг миллий, маданий мазмун-моҳиятини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этила бошланди. Айрим давлатларнинг тажрибаси модернизация маданиятининг анъанавий модели заифлашганда эмас, ҳатто улар кучайганда ҳам бўлиши мумкинлигини

кўрсатди². Шу боис, табиийки, модернизацияни жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ривожига мазмундан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш ҳамда маданиятнинг анъанавий шакли, ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятининг миллий ўзига хослигини ҳисобга олиш зарур эди³.

Мамлакатимизда модернизация тузилмасининг шаклланиши ва ривожланиши 1991–2016 йиллар оралиғида ўзига хос йўли билан олиб борилди. 1991 йилда мустақилликка эришгандан кейин Ўзбекистонда вужудга келган иқтисодий вазият бозор иқтисодиётига ўтишда “фалаж қилиб даволаш” моделининг мақбул эмаслигини кўрсатди. Бозор иқтисодиётига басқичма – басқич ўтишга асосланган Ўзбек модели 1992 йилда ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилди. Мамлакатимизда жамиятни модернизациялаш басқичларида қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

биринчидан, тоталитар бошқарувидан воз кечиш ва демократик бошқарув тизимига ўтиш учун ҳуқуқий сиёсий асослар (конституция, қонунлар, қарорлар, фармонлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар) яратилди;

иккинчидан, ҳалқимизнинг онгида озодлик, эрк, хусусий мулкга рағбат, миллий қадриятларни асраш, миллий ғурур, ватанга муҳаббат, унга содиқ қолиш каби тушунчалар сингдирилди;

учинчидан, сиёсий ва иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда ислохотлар уйғун равишда олиб борилди;

тўртинчидан миллий маънавият, миллий ўзлик, ахлоқнинг тикланиши (куръони карим, ҳадислар, алломаларимизнинг тарихий адабий мерослари) учун етарли шароитлар яратилди; бешинчидан, чекланган тафаккур, мафкуравий қарамлик, боқимондолик каби иллатлар ўтмишга айланиб фуқароларимизда мамлакат ички ва ташқарисида содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга даҳлдорлик туйғуси кучайди.

Фойдаланилган адабиётлар

² Политическая модернизация. <http://www.tsDu.tula.ru/res/other/politolog/lec 12. html>. -С. 6.

³ Политическая модернизация. <http://www.tsDu.tula.ru/res/other/politolog/lec 12. html>. -С. 6.

1. История политических и правовых учений. Учебник. –М.: Изд. НОРМА-ИНФРА. М.: 1999. -С. 60.
2. Политическая модернизация. <http://www.tsDu.tula.ru/res/other/politolog/lec 12. html>. -С. 6. Политическая модернизация. <http://www.tsDu.tula.ru/res/other/politolog/lec 12. html>. -С. 6.